

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА –ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“Мухандислик коммуникациялари қурилиши” факультети



404-Геодезия, картография ва кадастр гуруҳи битирувчиси

**АЛИМОВ АЗАМАТНИНГ**

*Геодезик ва топографик ишлар иқтисодиёти ва унда  
бажарилган смета ҳисобини ишлаб чиқиш тартиби  
мавзусидаги*

# ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ

Тушунтириш хати \_\_\_\_\_ бет (формат А-4)

Чизмалар 5 варақ (формат А-2)

Кафедра мудирини:  
Лойиҳа раҳбарини:

доц. Артиков Ғ.А.  
Муродуллаев Н.

САМАРҚАНД – 2018 ЙИЛ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

“Мухандислик коммуникациялари қурилиши” факультети

“ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ва КАДАСТР” КАФЕДРАСИ

***Геодезик ва топографик ишлар иқтисодиёти ва унда  
бажарилган смета ҳисобини ишлаб чиқиш тартиби  
мавзусидаги***

**ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИНИНГ**

**Т у ш у н т и р и ш х а т и**

Ушбу битирув ишининг умумий қисмида кадастр хизматини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва ташкилий тузилмаси, кадастр хизматларини иш жараёни яъни ҳар бир ер участкаси ва унда жойлашган бино иншоотлар белгиланган тартибда хатловдан ўтказилиб, кадастр ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ер участкасига ва бинога бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда кадастр ҳужжатлари тўплами нималардан иборат ва қайси асосда юритилиши ҳақида батафсил фикрлар юритилган.

Битирув ишининг асосий қисмида *Афросиёб гишт ишлаб чиқариш хусусий корхонасини кадастр ҳужжатларини яратиш*да геодезик ўлчаш ишларини аниқлигини ошириш ва такомиллаштиришда геодезик ишларнинг таркиби, ишларни бажариш учун техник топшириқ ва талаблар, топографик асослар яратиш, кадастр съёмкасини бажариш, теодалит йўлини барпо қилиш, тафсилотларни планга тушириш, полигон юзини координатлар орқали аниқлаш ҳамда кадастр хизматида топографик геодезик ишларни бажаришда геодезик асбоблар тўғрисида ишлар бажарилган.

Бундан ташқари меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари, саноатда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ўстириш ҳамда меҳнат хавфсизлиги, экологиясига риоя этиш қоидалари келтирилган.

Геодезик ишлар иқтисодиёт қисмида эса геодезия, картография ва кадастр корхоналари иқтисодиёти, картография корхоналарининг иқтисоди ва унинг унумдорлигини ошириш йўллари ўрганилган.

Диплом лойиҳасининг хулоса қисмида кадастр хизматларида геодезик ишларни аҳамияти, таркиби ва тартиби ҳақида хулоса берилган.

Диплом лойиҳасини бажарувчи талаба: Қурбонов Бекзод \_\_\_\_\_

Кафедра мудири: доцент Артиков Ғ. \_\_\_\_\_

Диплом лойиҳаси раҳбари: Муродуллаев Н. \_\_\_\_\_

Маслаҳатчилар: Исроилов М.Э \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

“Мухандислик коммуникациялари қурилиши” факультети

“ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ва КАДАСТР” КАФЕДРАСИ

**ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН  
ТОПШИРИҚ**

**Алимов Азаматнинг**

(талабанинг фамилияси, исми шарифи)

**Группа: 404-ГКК**

**рейтинг дафтarchаси рақами \_\_\_\_\_**

**1. Диплом лойиҳасининг мавзуси:**

**“Геодезик ва топографик ишлар иқтисодиёти ва унда бажарилган смета  
ҳисобини ишлаб чиқиш тартиби” мавзусидаги  
Институт бўйича 2018 йил “18” январда №25 –у сон буйрук  
асосида тасдиқланган.**

**2. Мавзу материалларини тўплаш, таҳлил ўтказиш ва долзарблигини асослаш:**

Материаллар талабанинг “Геодезия, картография ва кадастр” йўналиши бўйича олган назарий ва амалий билимлари ҳамда амалиётлардан олган билимлари натижасида тўпланган. Диплом лойиҳаси учун танланган мавзу кадастр хизматларида топографик-геодезик ишларни бажаришда талабаларнинг амалий билимларини оширади.

**3. Геодезик қисм:**

**а) ўлчаш ишлари,** Умумий қисм. Кадастр хизматини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва ташкилий тузилмаси, кадастр хизматларини иш жараёни яъни ҳар бир ер участкаси ва унда жойлашган бино иншоотлар белгиланган тартибда хатловдан ўтказилиб, кадастр ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ер участкасига ва бинога бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда кадастр ҳужжатлари тўплами нималардан иборат ва қайси асосда юритилиши ҳақида ишлар бажариш.

**б) ҳисоблаш ишлари,** Афросиёб *ғишт ишлаб чиқариш хусусий корхонасини кадастр ҳужжатларини яратишда геодезик ўлчаш ишларини аниқлигини ошириш ва такомиллаштиришда* геодезик ишларнинг таркиби, ишларни бажариш учун техник топшириқ ва талаблар, топографик асослар яратиш, кадастр съёмкасини бажариш, теодалит йўлини барпо қилиш, тафсилотларни планга тушириш, полигон юзини координатлар орқали аниқлаш ҳамда кадастр хизматида топографик геодезик ишларни бажаришда геодезик асбоблар тўғрисида ишларни бажариш.

**4. Меҳнат хавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси:** Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари. Саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ўстириш.

Меҳнат хавфсизлиги ва экологияси.

**5. Геодезик ишлар иқтисодиёт қисми:** Геодезия, картография ва кадастр корхоналари иқтисодиёти. Картография корхоналарининг иқтисоди. Меҳнат унумдорлигини ошириш. Бажариладиган топографик геодезик ишларга смета тузиш.

**6. Диплом лойиҳаси бўйича хулоса қисми:** Диплом лойиҳасида бажарилган Афросиёб *ғишт ишлаб чиқариш хусусий корхонасини кадастр ҳужжатларини яратишда*

геодезик ўлчаш ишларини аниқлигини ошириш ва такомиллаштириш мавзусидаги битирув ишини афзаллиги тўғрисида батафсил хулосаларини келтириш.

**7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент – “Ўзбекистон”. 2000.
2. Абдуллаев И.Ў., Алланазаров О.Р. ГИС фанидан таянч коспект. Тошкент 2015.
3. Абдуллаев И.Ў., Алланазаров О.Р. ГИС фанидан услубий кўрсатма. Тошкент 2015.
4. И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент “Ўзбекистон” 1995.
5. PHOTOMOD (ScanCorrect) ДАСТУРИ
6. Салищев К.А. Картоведение М., МГУ, 1986.-378 с.

**8. Чизмалар рўйхати:**

1. Кадатр хизматини ташкил қилиш тартиби.
2. Геодезик таянч нуқталарини ҳисоблаш жадвали.
3. Теодалит йўли нуқталарини координатларини аниқлаш жадвали.
4. Кадастр съёмкасини бажаришда Sokkia Power Set 100 тахеометрининг техник тавсифи
5. 1:500 масштабдаги топографик съёмка плани

**Диплом лойиҳасининг қисмлари бўйича маслаҳатчилар:**

№	Диплом лойиҳаси қисмлари	Бошланиши	Тугалланиши	Раҳбар, маслаҳатчилар	Имзо
1.	Мавзу материалларини тўплаш, таҳли ўтказиш ва долзарблигини асослаш			Исроилов М.Э.	
2.	Геодезик қисм: а) ўлчаш ишлари б) ҳисоблаш ишлари			Исроилов М.Э. Исроилов М.Э.	
3.	Меҳнат хавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси				
4.	Геодезик ишлар иқтисодиёти				
5.	Диплом лойиҳасини расмийлаштириш ва тақризга юбориш				
6.	Диплом лойиҳа ҳимояси				

**Изоҳ:**

1. Диплом лойиҳаси бўйича чизмалар 420x524 мм А-2 форматда 5-6 варақни, тушунтириш хати 210 -297 мм ўлчамдаги А4 форматли оқ қоғозда, умумий сўзлар сони 10-15 мингтани ташкил этиши лозим.
2. Ҳар бир топшириқда кўрсатилган муддат охирида раҳбар ёки маслаҳатчи томонидан имзоланади, сўнгра навбатдаги қисмни бажаришга киришилади.

Топшириқ берилган сана

“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2017 й.

Тугалланган диплом лойиҳасини топшириш санаси

“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2017 й.

Диплом лойиҳаси раҳбари:

М. Исроилов

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди.

Талабанинг имзоси:

\_\_\_\_\_

**МУНДАРИЖА**

**Кириш**.....

.

**1-боб. Кадастр хизматини ташкил қилиш**.....

1.1. Кадастр хизматини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва ташкилий тузилмаси.....

1.2. Афросиёб ғишт ишлаб чиқариш хусусий корхонасини кадастр хужжатларини тайёрлашда кадастр хизматининг иш жараёни .....

1.3. Афросиёб ғишт ишлаб чиқариш хусусий корхонасини кадастр хужжатлари тўплами

.....

**2-боб. Афросиёб ғишт ишлаб чиқариш хусусий корхонасини кадастр хужжатларини яратишда геодезик ўлчаш ишларини аниқлигини ошириш ва такомиллаштириш**.....

2. 1. Кадастр хизматидаги геодезик ишлар таркиби.....

2.2. Топографик-геодезик ишларни бажариш бўйича техник топшириқ ва талаблар.....

2.3. Кадастр съёмкаси бажариш учун топографик асослар яратиш.....

2.3.1. Кадастр съёмкаси учун план олиш шахобчасини яратиш.....

2.4. Кадастр съёмкасини бажариш усуллари.....

2.4.1. Теодалит йўли лойиҳасини тузиш ва барпо қилиш.....

2.4.2. Съёмка қилинган тафсилотларни планга тушириш.....

2.4.3. Полигон юзини координаталар орқали аниқлаш.....

2.5. Кадастр съёмкасини бажаришда геодезик ўлчаш асбоблари.....

2.5.1. Оптик геодезик асбоблар.....

2.5.2. Электрон геодезик асбоблар.....

**3-боб. Меҳнат хавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси**.....

3.1. Умумий қоидалар.....

3.2. Техник хавфсизлиги ва меҳнатни ташкил қилиш талаблари.....

3.3. Экология таъминоти ва уни шакилланиши.....

**4-боб. Геодезия, картография ва кадастр корхоналари иқтисодиёти**.....

4.1. Молиявий ҳолатни ўрганишнинг аҳамияти, таҳлилининг мақсади, вазифалари ва аҳборот манбалари.....

4.2. Корхона молиявий фаолиятини таҳлили.....

**Хулоса**.....

Фойдаланилган адабиётлар.....

## Кириш

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа йўналишлардаги муаммоларни ҳал қилиш йўлида дадил қадам қўйилмоқда. Шу жумладан, барча соҳалар каби геодезия, картография, кадастр соҳалари ҳам ривожланмоқда. Ҳозирда олиб борилаётган, илмий ва амалий ишларни янада мукамаллаштириш мақсадида соҳага доир янги техника ва технологияни ҳаётга тадбиқ қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Сўнги вақтларда кадастр тузишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, соҳани ривожлантириш мақсадида кадрлар тайёрлаш, ривожланган Швеция, Россия, Германия каби мамлакатларнинг кадастр тузиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш ва янги замонавий технология яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Ер ва бошқа турдаги қўчмас мулкларни рўйхатга олиш, улар ҳақида аниқ маълумотларни тўплаш, уларни маълумотлар банкига (МБ) йиғиб, керак бўлганда улардан самарали фойдаланиш ва қўчмас мулк эгаси бўлиш, давлатнинг, жисмоний шахснинг ерга, қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш, солиқ тизимини мукамаллаштириш, қўчмас мулк ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, уларни ким ошди бозорида сотиш ва сотиб олиш каби жуда кўп масалаларни ечиш мақсадида ер кадастри тузилади.

Ундан ташқари, қўчмас мулкка ёки унинг маълум бир қисмига эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш, бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида қўчмас мулк кадастри тузилади.

Кундан кунга бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда, кўпдан-кўп бозор иқтисодиётига оид масалаларни тез ва самарали қилиб ҳал қилиш кадастр тузувчилардан чуқур билим ва маҳорат талаб қилади.

Авваламбор, шуни таъкидлаш жоизки, кадастрнинг барча турларини бажариш учун Давлат Геодезия тармоқлари (ДГТ) барча талабларига жавоб берадиган даражада барпо этилган бўлиши керак. Бу борада Республикамизда илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда.

Чунончи, Республикамиз ҳудудида Давлат Геодезик тармоғини, Ер йўлдоши тизими технологияси бўйича такомиллаштириш масаласига кўп миқдорда маблағ ажратилиб, бу ишнинг ривожига катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» га [1] ва «Давлат ер кадастри тўғрисида» ва «Геодезия ва картография тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига [2,3] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида Давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида» ги № 543 қарорига [4] ва «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида» ги 1999 йил 27 майдаги № 736 йўруқномасига [5] асосан «фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш» «Давлат ва

ер кадастри ерларининг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиймати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборатдир», «Белгиланган тартибга мувофиқ, аниқланган объектлар ва ер участкаларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги маълумотлар, топография-геодезия материаллари ва бошқалар Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосини ташкил этади», «Ер участкаларининг нотурарда чегараларини белгилаш геодезия усуллари билан ёки жойнинг ўзида чегараларнинг бурилиш нуқталарини зарур аниқликда белгилаш ва уларни қозиклар билан маҳкамлаш йўли билан картография материалдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ер участкаларининг умумий майдони талаб қилинадиган аниқликда таҳлилий, график-таҳлилий ёки механик усуллар билан аниқланади».

Ер участкаларнинг умумий майдонини ҳисобга олиш асосан геодезия усуллари билан, юқори аниқликда талаб этиладиган ҳолларда эса картометрик усуллар билан бажарилади» деб давлат ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларида қайд этилиши кадастр ишларини амалга оширишда топогеодезик ишларининг муҳим ўрин эгаллашида кўриниб турибди.

Ер участкасига ва бино-иншоотларга бўлган мулкқий ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишда тайёрланадиган кадастр ҳужжатлари тўплами таркибига киритилган кадастр топосъёмкасини жойларда бажаришда белгиланган тартибда ва таркибдаги геодезик – топографик ишларни амалга ошириш зарур.

Демак, бажариладиган топогеодезик ишларнинг таркибини аниқлаш, уларга қуйилган талабларни таҳлил қилиш орқали кадастр съёмкасини бажариш, расмийлаштириш каби ишларни такомиллаштириш ишлаб чиқариш заруриятидир. Чунки ҳар қандай бажариладиган ишнинг натижаси унинг таннархини, яъни вақт ва харажатлар сарфини камайтиришга эришишга қаратилган бўлади.

Демак, кадастр съёмкасини бажаришда амалга ошириладиган геодезик ишларнинг сифати ва аниқлигини ошириш, кадастр съёмкасини расмийлаштириш ва маълумотлар тизимини яратиш ишларини замонавий технологияларни қўллаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали эришиш мумкинлиги ушбу битирув иши мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

## **Топографик-геодезик ишларни бажарувчи корхоналарнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва хусусиятлари**

Топографик-геодезик ва картографик ишлар халқ хўжалигининг турли тармоқларига қарашли бўлган давлат ҳамда хусусий корхоналар томонидан жуда кенг миқёсда бажарилади. Топографик-геодезик ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлари маълум бир муайян техник топшириқнинг талабини қондиришга ишлатилади. Барча тармоқ корхоналари томонидан бажарилаётган топографик-геодезик ва картографик ишларнинг технологик жараёнлари ҳамда уларга қўйилган техник талаблар бир хил.

Топографик-геодезик ишлаб чиқариш саноатли ишлаб чиқаришдан ўзига хос жихатлари билан фарқ қилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Топографик-геодезик дала ишлари турли физико-географик ҳамда климатик шароитда, чекланган дала ишлари мавсумида бажарилади ва бу шароитлар ҳар йили ўзгариб туради.
2. Ҳар йили ташкилий ва тугатиш тадбирларини бажариш талаб қилинади.
3. Топографик-геодезик ишларнинг таннархи иш олиб борилаётган туман физик-географик шароитига боғлиқ бўлади.
4. Топографик-геодезик ишлар асосан давлат бюджети ҳамда хўжалик шартномалари асосида молиялаштирилади.
5. Объектларда ишлаб чиқариш хусусияти ва зичлигига қараб иш давомийлиги ҳар хил бўлади.

Топографик-геодезик ишларни қуйидаги иш турлари ташкил қилади: геодезик, гравиметрик, тасвирга олиш ва картографик ишлар.

**Геодезик ишлар** давлат бош баландлик ва планли асосини барпо қилиш учун бажарилади. Бу ишларнинг натижалари илмий мақсадларда, турли масштабли топографик тасвирга олишда, муҳандислик кидрув ишларида, халқ хўжалиги ҳамда мудофаа тизимини турли масалаларини ечишда кенг фойдаланилади.

Бош планли геодезик асосни яратишда 1,2,3,4 классдаги геодезик тўрларнинг пунктлари координаталари триангуляция, трилатерация, полигонометрия, йўлдош геодезияси усулларида аниқланади. Планли асосни у ёки бу усулда яратиш унинг қайси мақсадларда фойдаланилиши ва жойнинг шарт-шароитига боғлиқ.

Планли асосни яратишда якуний маҳсулот бу жойдаги пунктлар ва уларнинг координаталар катологи ҳисобланади (белгилар, марказлар).

Баландлик геодезик асоани I, II, III, IV класс нивелир тўрлари ташкил этади. Уларни якуний маҳсулот жойдаги нивелир белгилари ва баландлик катологлари ҳисобланади (маркалар, реперлар).

**Гравиметрик ишлар** олий геодезиянинг асосий масалаларидан бири –ер қурасини ва ер ўлчамларини ўрганиш ҳамда геодезик ўлчашларнинг натижаларини референс – эллипсоидига кўчириш билан шуғулланади. Бундан ташқари, бу ишларнинг натижалари, геофизик ва геологик



қидирув ишларида ер ости юқори қатламларини таркибини ўрганишда, фойдали қазилма бойликларни қидириб топишда жуда фойдали ҳисобланади.

Гравиметрик ишлар бу Ер юзасини турли нуқталарда оғирлик кучини ўлчашдан иборат. Бу ишлар маятникли асбобларда ёки гравиметрларда бажарилади ва уларнинг якуний маҳсулоти бўлиб, гравиметрик пунктлар каталоглари ҳисобланади.

**Тасвирга олиш ишлари.** Бу ишларга топографик карта тузиш билан бевосита боғлиқ бўлган барча дўлат ва камерал ишлари киради. Яъни, аэрофототасвирга олиш, тасвирга олишда планли ва баландлик асосини яратиш, ҳар хил усулларда топографик тасвирга олиш (мезулада, тахеометрик усулда, стеротопографик усулда, бирлашган усулда ва бош.), топографик карталарни янгилаш, фотограмметрик ва стереофотограмметрик ишлар, рақамли карталарнинг тузиш ва бошқалар.

Тасвирга олиш ишларида якуний маҳсулот турли масштаблардаги топографик карталардир.

Аэрофототасвирга олиш ишлари бу – ер сиртини самалёт ёки верталётдан суъратга туширишдир.

Тасвирга олишнинг бу усули топографик карталарни янгилаш ва тузишда энг қулай ва тазкор усул ҳисобланади. Айниқса бу усул кичик масштабларда катта майдонларни тасвирга олишда кенг қўлланилади.

Тасвирга олиш ишларининг охириги босқичида топографик карталар қўлда, барча шартли белгилар асосида чизилар эди. Хозирги кунда эса, бу карталар рақамли шакилда, компьютер техникасида замонавий дастурлар асосида тез ва сифатли ҳолда барпо этилмоқда.

**Картографик ишлар,** бу – 1:25 000, 1:50 000, 1:100 000, 1:200 000 масштаблардаги карталарни тузишдан иборат. Қалажакда бу карталар 1:500 000, 1:1000 000 масштаблардаги ҳамда географик ва махсус карталарни яратилишида асос бўлиб хизмат қилади.

Картографик ишларнинг якуний маҳсулоти тайёр ҳолдаги топографик карталардир.

1-чизмада топографик-геодезик ишларнинг таснифи ва таркиби келтирилган.

1-чизма. ТГИ ларнинг таснифи ва таркиби



Республикада бажарилаётган барча топографик-геодезик ва картографик ишларга кўйилган техник талаблар ва маҳвийлик шартлари Давлат ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси (“Давергеодезкадасир” қўмитаси)нинг Давлат геодезия назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади

Умум давлат миқёсидаги бажарилаётган топографик-геодезик ва картографик ишлар “Давергеодезкадасир” қўмитаси томонидан бошқарилади. Ушбу қўмигага қарашли корхоналар давлат буюртмаси бўйича асосий топографик-геодезик ва картографик ишларни амалга оширадilar. Бундан асосий мақсад халқ хўжалиги ва давлат муҳофаа тизимини топографик-геодезик маҳсулотлар билан узликсиз таъминлашдан иборат.

Бошқа тармоқларга қарашли давлат корхоналари, илмий қидрув институтлари, хусусий корхоналар томонидан бажарилаётган топографик-геодезик ишлар кичик майдонларда муайян бир техник топшириқ талабини қондириш учун бажарилади. Масалан, катта масштабли топографик тасвирлардан йўл, канал, плотина, электр линияларини, қувурларни ўтказишда ҳамда бино ва иншоотларни қуришда, геологик, геофизик, қидрув ишларини олиб боришда жуда кенг фойдаланилади.

“Давергеодезкадасир” қўмитаси корхоналари томонидан яратилаётган турли масштабли топографик карталар халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида ва муҳофаа тизимида кенг қўлланилмоқда. Хозирги кунда шуни ишонч билан айтиш мумкинки халқ хўжалигининг бирон бир тармоғи, илм-фан, санат соҳаларини ҳам карталарсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Махсус ўқув карталари география, тарих, иқтисод фанларини мактабларда, колледж ва институтларда ўқитишда жуда қулай ўқув қуроли ҳисобланади. Хаттоки медицинада карталарда касалликлар тарқалишини, географияда фойдали ўсимликлари ўсиш жойларини белгилайдилар.

Хозирги кунда замонавий шаҳарларга туристик саёҳатга ёки хизмат сафарига борган ҳар бир киши карталарга мурожат қилса, кўзлаган манзилига тез ва оз фурсатларда етиб олади.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (“Ергеодезкадасир” давлат қўмитаси) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябридаги ПФ-3502 сонли “Ўзбекистон Республиаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасини ташкил қилиш тўғрисидаги фармонини ижро этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябридаги 483-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси базасида ташкил этилди. 2017 йилдан Давлат ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси (“Давергеодезкадасир” давлат қўмитаси) деб номланди.

“Давергеодезкадасир” қўмитаси ҳозирги кунда ерлардан фойдаланиш, ер тузиш, геодезия ва картография фаолияти, давлат кадастри, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни тартибга солиш соҳасидаги бошқарув органидир.

“Давергеодезкадасир” қўмитаси тизимида Марказий ва Самарканд “Аэрогеодезия” корхоналари, Геодезия ва картография миллий маркази, “Картография” илмий ишлаб чиқариш

давлат корхонаси, “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, Давлат геодезия нazorати инспекцияси, Ўзбек давлат “Ўздаверлойиха” ер тузиш илмий лойиха институти, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот давлат институти киради.

“Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси крахоналари томонидан; hozирги кунда янги давлат кординаталар тизимини жорий қилиш амалга оширилмоқда, амалдаги астрономия-геодезия тармоғига боғланган РГП ва СГС-О йўлдош геодезияси тармоқлари унга асос бўлиб хизмат қилади. Юқори аниқликдаги I ва II класс нивелирлаш натижаларга ишлов берилиб, мамлакатнинг бош баландлик асоси янгиланди. Геоахборот тизимини қўллаган ҳолда режа асосида топографик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа харита ва планларни рақамли кўринишда барпо қилинмоқда. “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси таълим эҳтиёжлари ва халқ истемоли учун очиқ фойдаланишдаги картографик маҳсулотларни катта ҳажмда ишлаб чиқармоқда. 2007 – 2011 йилларда Ўзбекистонни худудий ривожлантиришни ягона комплекс стратегиясини шакллантириш Давлат дастури доирасида “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси республикамизнинг ҳар бир минтақасида худудлар ривожланишини таҳлил қилиш ва прогнозлаш учун картографик инфармацион ресурсларни шакллантириш имконини берувчи географик ахборот тизимини босқичма-босқич жорий қилади. Давлат бошқарувида геоахборот тизимини технологияларини қўллаш муаммоларини хал қилишнинг турли вариантларини тезкор кўриб чиқиш ва баҳолаш, барча ёндош соҳаларнинг (тармоқларнинг) биргаликдаги харакатини ҳисобга олиш ва ижро этиш учун энг яхши ҳамда энг манфаатли вариантини қабул қилиш имкониятини беради. Hozирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик мониторингини геоахборот тизимини жадал суръатларда ишлаб чиқилмоқда, унинг жорий қилиниши ер ресурсларини самарали ва оқилона бошқариш учун замин яратади.

Қўшни давлатлар билан Давлат чегараларини делимитациялаш ва демаркациялаш бўйича катта ҳажимдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Тармоқнинг халқаро илмий-техник фаолияти ҳам мувоффақиятли ривожланмоқда. МДХ иштирокчилари бўлмиш давлатлар билан ҳамда узоқ хорижий давлатлар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Хусусан “KOICA” (Корея Республикаси) фирмаси билан ҳамкорлик лойихаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг миллий геоахборот тизимини яратиш ишлари кенг миқёсда бошлаб юборилди.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг асосий вазифалари:

**Ердан фойдаланиш соҳасида:**

- ер тузишни шакллантириш ва яхшилаш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш, ва тупроқларни ҳосилдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш;
- давлат бошқармалари органлари, юридик ва жисмоний шахсларни ерлардан фойдаланишни координатциялаш;
- тупроқ ҳосилдорлигини ошириш ва уни сақлашни таъминлаш;

- ер муносабатларинни тартибга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш тизимини яхшилашни таъминлаш;
- ерлардан фойдаланиш ва қўриқлашда Давлат назоратини олиб бориш;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳамда шаҳар ва шаҳарчалар ерларини баҳолашда замонавий усулларни яратиш;
- Ўзбекистон Республикаси ер кодексидаги кўрсатилган ерларни тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий актларни ишлаб чиқариш ва амалга киритиш;

#### **Геодезия ва картография соҳасида:**

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия, картография, ишларини ягона координаталар ва баландлик тизимини ишлаб чиқариш, шу жумладан: РГП, СГС-О йўлдош геодезия тўрини яратиш ва доимо ишлаб турувчи геодезия тўри йўлдош станциялари фаолиятини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси бош баландлик асосини яратиш ва реконструкция қилиш, янги координаталар тизимига ўтиш;
- замонавий асбоблар ва технологиялардан фойдаланилган ҳолда геодинamik тадқиқотлар ўтказиш;
- турли масштаблардаги карталарни янгилаш, рақамли ҳолда барпо этиш;
- халқ хўжалиги ва таълими эҳтиёжлари учун турли йўналишдаги картографик маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- “Картография” ИИЧДКни картографик маҳсулотлар нашр қилишда замонавий технологик линияларни шакиллаштириш мақсадида техник таъминлаш;
- шаҳарларни катта масштаблардаги рақамли планларини яратиш;
- космик суратлар асосида ерлар инвентаризацияси ва қишлоқ хўжалиги мониторинги бўйича ишлар ўтказишда компьютер технологияларини киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини делимитация ва демаркацияси бўйича топографик-геодезик ва картографик ишларни таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мос равишда топографик-геодезик ва картографик фаолиятни лицензиялаш;

#### **Давлат кадастри соҳасида:**

- давлат кадастрини юритишда давлат бошқарув органлари ва жойлардаги давлат ҳукуматлари фаолиятини координатциялаш;
- кадастр тармоқлари асосида табиат объектлари давлат кадастри ягона тизимини киритиш, Ўзбекистон Республикасида барча турдаги табиий хўжалик ресурсларини баҳолаш ва уларни мониторинги;
- замонавий геоинформацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда давлат ер кадастрини юритиш;
- замонавий рақамли технологиялар, аэро ва космик суръатлардан фойдаланган ҳолда ерларни тўлиқ инвентаризациялаш дастурини амалга ошириш;

- хусусийлик ҳуқуқларини рўйхатга олиш ва ер ресурсларини интеграциялаш, кадастр тизими бошқаруви лойиҳасини яратиш ва амалга ошириш;
- фойдаланувчиларни кадастр маълумотлари билан таъминлаш;

**Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқлари соҳасида:**

- кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқи ва улар билан битим;
- кўчмас мулк ҳуқуқлари ҳақида маълумотлар банкини яратиш;

Умумтармоқ вазифалари сифатида қуйдагиларни ажратиб кўрсатиш зарур:

- ягона координаталар тизимига ўтишни тугаллаш ва геодезия, топография, кадастр ва ер тузиш ишларида ягон топографик асосни яратиш;
- кўмитанинг ҳудудий бўлимлари ва корхоналарини замонавий технологияларга ўтиш ва техник жиҳозлаш дастурини чиқариш ва амалга ошириш;
- доиймий ўқув маркази базасида мутахассислар квалификацияларини ошириш ва систематик ўқишни ташкиллаштириш.

Юқоридагилардан шуни хулоса қиламизки, “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси корхоналарининг иқтисодиётимизни ривожланишида ўзига хос ўрин тутди. Айниқса бозор муносабатлари шаклланиётган бир пайтда ерга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатларини) фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан кейин Ер ва унга бўлган муносабатларни қайта кўриб чиқилишини тақазо этди.

Қисқача қилиб айтганда, айти дамда “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси ҳозирда “Давергеодезкадастр” кўмитаси корхоналари ва ҳудудий бўлимлари геодезистлари, карташунослари ва ер тузувчилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан Ватанимиз Ўзбекистон Республикасининг равнақиға муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

## ТОПОГРАФИК-ГЕОДЕЗИК ИШЛАР ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Катта ўқитувчи М.Исроилов,  
205 ГKK груҳи талабаси М.Эргашева

Топографик-геодезик ишлар билан шуғулланувчи корхоналарда асосий фаолият тури бу топографик-геодезик ишлардир. Бу ишларга доир харажатлар асосий фаолиятга доир харажатларни ташкил қилади. Топографик-геодезик ишларни бажаришга сарфланган маблағлар ушбу ишларнинг таннархини ташкил қилади.

Бажарилган топографик-геодезик ишларни таннархини аниқлаш ушбу ишларни лойиҳалаштиришда муҳим ўрин тутди. Лойиҳалаштирилаётган ишларга, олинган техник топшириққа асосан аввало сметалар тузилади.

Смета-бу, объектда бажарилиши керак бўлган ишларнинг пулда аниқланган қийматини ифодаловчи ҳужжат.

Топографик-геодезик ишларга сметалар, давлат буюртмалари бўйича бажарилган ишларга СУР-87г. (Сметные укрупненные расценки на топографо-геодезические работы) асосида, шартномавий ишларга эса СЦ-82г. (Сборник цен на изыскательские работы для капитального строительства) асосида тузилар ва ҳосил бўлган смета қийматига индексация коэффициентлари қўлланилар эди.

Ҳозирда, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг №109 сон 05.10.05 йилдаги буюруғига асосан 2005 йилнинг 4-чорагидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, қўмита тассаруфидаги илмий муассасалар, корхона ташкилотларда, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилиб “Ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастр ишлари учун лойиҳа-қидирув ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом”га асосан бажариладиган лойиҳа қидирув, геодезия, картография, топография, ер тузиш, кадастр ва баҳолаш ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлашнинг янги тартиби амалга киритилди.

Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2003 й.

“Капитал қурилишда иқтисодий ислохларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғриси”да ПФ-3240 сонли Фармоннинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 11.06.2003 й. “Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида”ги 261-сон, 12.09.2003 й. “Капитал қурилиш хўжалик муносабатлари механизмининг такомиллаштириш чоралари-тадбирлари тўғрисида”ги 395 сон, 19.10.2004 й. “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сон қарорларини ижро этилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу Низомга мувофиқ ҳар бир муайян объект учун ишлар таркиби буюрутмачининг ишларини бажариш бўйича техник топшириғи билан белгиланади, технология ва босқичлар эса тегишли меъёрий техник ҳужжатлар билан регламентга солинади.

Геодезия, топография, картография, ва кадастр ишларининг шартномавий жорий нархлардаги қиймати техник лойиҳалашда ишларнинг лойиҳаланадиган турли турлари ҳамда ҳажмлари ва смета ҳисоб-китоблари асосида аниқланади. Смета ҳисоб-китоблари ишлар бирлигининг ресурс услубида ҳисобланган жорий нархлар асосида бажарилади.

Ресурс услуби прогнозланган жорий нархлардаги харажатларни калькуляция қилишга асосланган.

Иш бирлигининг ёки 1 одам ойнанинг нархи  $K_{\text{бир}}(\text{сўм})$  қуйдаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{\text{бир}} = X_{\text{а(ИЧ)}} + X_{\text{а(т-т)}} + X_{\text{д}} \quad (1)$$

бунда:

$K_{\text{бир}}$  – иш бирлигининг ёки 1 одам-ойнинг нархи;

$X_{\text{а(ИЧ)}}$  – ўз ишлаб чиқаришига сарфланадиган асосий харажатлар;

$X_{\text{а(т-т)}}$  – ташкилий-туғатиш тадбирлари бўйича асосий харажатлар;

$X_{\text{д}}$  – давр харажатлари.

Иш бирлигининг ёки бир одам-ойнинг нархи  $K_{\text{бир}}$  (сўм) мутахассис ва ишчиларнинг геодезия, топография, картография ва кадастр ишларига “Геодезия, топография ишлари учун ягона ишлаб чиқариш (вақт) нормалари. I қисм. Дала ишлари.; II қисм. Камерал ишлар” (Т.Ўзгеодезкадастр, 2004 й.) ва ишлаб чиқаришнинг амалдаги бошқа нормалари бўйича белгиланадиган меҳнат сарфи нормалари асосида аниқланади.

Иш бирлигига ёки бир одам-ойга сарфланадиган асосий харажатлар қуйдаги формула бўйича аниқланади:

$$X_{\text{а(ИЧ)}} = \text{БХ} + \text{БЛХ} + \text{ЗФ}, \quad (2)$$

бунда:

БХ – бевосита ишлаб чиқариш харажатлари;

БЛХ – билвосита ишлаб чиқариш харажатлари;

ЗФ – зарурий фойда.

Бевосита ишлаб чиқариш харажатлари қуйдаги ресурс кўрсаткичларини ўз ичига олади:

ишлаб чиқариш моддий харажатлари, уларнинг материаллар сарфи нормалари (ёки нормалар бўлмаганда уларнинг ҳақиқий сарфи) ва етказиб берувчи корхоналар материалларининг нархлари, биржа нархлари ва бошқалар асосида аниқланади;

ишлаб чиқариш тавсифидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан: мутахассислар ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақлари, бунда асосий иш ҳақи мутахассис ва ишчиларнинг меҳнат сарфи нормалари бўйича аниқланади ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ белгиланадиган тариф ставкаларининг (окладларининг) миқдорларидан келиб чиққан ҳолда рағбатлантириш тавсифидаги ва бошқа қўшимча тўловларини инобатга олиб ҳисобланади.

Қўшимча иш ҳақи (ишлатилмаган вақт учун тўлов) нормативлар бўйича асосий иш ҳақидан корхонанинг ўтган йилги иши иқтисодий кўрсаткичларининг маълумотлари бўйича белгиланадиган фоизларда ҳисобига олинади.

Иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратмалар асосий ва қўшимча иш ҳаққи суммасидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда (фоизларда) ҳисобланади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ транспорт харажатлари Ягона вақт нормаларида белгиланган транспорт ва унинг қиймати нормаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ишлаб чиқариш транспорти қийматига тегишли харажат статьяларига қуйдагилар киради:

ёқилиғи-мойлаш материалларининг қиймати;

амортизация ажратмалари;

эскириш харажатлари;

жорий ва ўртача таъмирлаш харажатлари (шу жумладан: асосий ва қўшимча иш ҳаққи, ижтимоий суғурта ажратмалари);

гаражларни таъминлаш харажатлари (шу жумладан: асосий ва қўшимча иш ҳаққи, ижтимоий суғурта ажратмалари);



Билвосита ишлаб чиқариш харажатлари қўйидаги ресурс кўрсаткичларни ўз ичига олади: моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича билвосита харажатлар ва ишлаб чиқариш тавсифидаги қўшимча харажатлар, шу жумладан капитал таъмирлаш (компьютерлар бўйича кўрсатиладиган хизматлар, асбоблар, ускуналарни таъмирлаш ва ҳ.к.) қиймати; асосий воситалар (асбоб, ускуналар ва жихозлар) амортизацияси ва ишлаб чиқариш аҳамиятидаги номмоддий активларни эскириши.

Билвосита моддий харажатлар, билвосита меҳнат сарфи ва ишлаб чиқариш аҳамиятидаги қўшимча харажатлар корхонанинг ўтган ҳисобот давридаги иқтисодий кўрсаткичлари маълумотлари бўйича асосий ишлаб чиқариш учун иш ҳаққидан фоизларда аниқланади.

Дала таъминоти қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшиб ёзилади.

«Хизматлар» статьяси бўйича асосий харажатларга қўйидагилар киради:

Асбоб ускуналарга техник хизмат кўрсатиш харажатлари;

Ускуналарни капитал таъмирлаш бўйича харажатлар;

Полиграфия ишлари (бланкалар, журналлар ва ҳ.к.ларни тайёрлаш), нусха кўчириш ва шу каби бошқа ишлар бўйича харажатлар;

“Хизматлар” статьяси бўйича харажатлар (капитал таъмирлаш бўйича харажатлардан ташқари) асосий ва қўшимча иш ҳақидан, шунингдек иш ҳақидан ижтимоий сўғуртага ажратмалардан иборат суммадан фоизларда, корхонанинг ўтган ҳисобот давридаги иши иқтисодий кўрсаткичлари маълумотлари бўйича белгиланади.

Ускуналарни капитал таъмирлаш бўйича харажатлар ускуналарнинг хизматидадан фоизларда, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан белгиланган миқдорда қабул қилинади.

Амортизация ажратмалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 21-моддасига мувофиқ, асосий воситаларни дастлабки (тикланиш) қийматидан келиб чиққан ҳолда, тезлатилган амортизацияни қўшиб белгиланади, бунда дала ишлари учун йиллик амортизация суммаси йилнинг иш давридаги (дала давридаги) ишлаб чиқариш харажатларига тўлалигича қўшилади, дала даврининг давомийлиги корхонанинг фаолият кўрсатиш ҳудуди учун белгиланган тартибда ҳақиқий миқдорда ёки ҳудуд учун ўртача миқдорда (агар хизмат кўрсатиш зонасига бир нечта иқлим минтақалари кирса) қабул қилинади. Бу ҳолда, дала даври бошқача давомийликда бўлган районлар учун амортизация суммасига тузатма коэффициентлар ҳисоблаб чиқилади.

Турли ишларни бажаришда (турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда) қўлланиладиган асбоблар, машиналар, механизмлар бўйича амортизация ажратмалари шу ишларни бажаришда (маҳсулотни ишлаб чиқаришда) улардан фойдаланилган вақтга пропорционал равишда ҳисобланади.

“Эскириш” статьяси бўйича харажатлар қўйидагилар учун белгиланади:

Арзон баҳоли ва тез эскирувчан предметлар (асбоблар, ускуналар, жихозлар, анжомлар), хизмат қилиш муддатидан қатъий назар;

Хизмат қилиш муддати бир йилгача бўлган умумий аҳамиятдаги асбоблар ва предметлар, хўжалик ва лаборатория жихозлари ҳамда дала анжомлари;

Ишларни бажариш учун мўлжалланган алмаштириладиган ускуналар, уларнинг қийматидан қатъий назар.

“Эскириш” статьяси бўйича харажатлар предметларнинг дастлабки қийматидан (баланс қиймати бўйича), фойдали қўлланиш муддати ва предметларнинг йиллик эскириш фоизидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фойдали қўлланиш муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган номддий активлар учун нормалар беш йилга мўлжаллаб белгиланади.

“Эскириш” статьяси бўйича пул харажатлари (Э) 1 ойлик ҳисобий бирлик учун белгиланади ва қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Xi = \frac{A_k \times H_3}{B \times 100} \quad (3)$$

бунда:

$A_k$  – ускуналар, жиҳозлар ва анжомларнинг қиймати (сўмда);

$H_3$  – йиллик эскириш нормаси (%да);

$B$  – йиллик иш вақти фонди (ойларда).

Зарурий фойда геодезия, топография, картография ва кадастр ишларини бажарувчи корхона (ташкилот) рентабеллигининг зарурий энг юксак даражасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот бирлигининг фоизлардаги нархига қўшилади ҳамда корхонанинг (ташкилотнинг) ўтган ҳисобот давридаги ишнинг иқтисодий кўрсаткичлари маълумотлари бўйича аниқланади.

Ташкилий-тугатиш тадбирларини ўтказиш харажатлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган нормативларга мувофиқ иш турлари бўйича асосий харажатлардан фоизларда аниқланади ва қуйидагилар бўйича харажатларни уз ичига олади:

ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан тайерлаш;

ишчи лойихани тузиш;

мутахассис ва ишчиларини геодезия, топография ва кадастр ишларини бажаришнинг хавфсиз услубларига ургатиш;

дала ишлаб чиқаришини моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминлашга тайёргарлик;

ишлаб чиқаришни транспорт воситалари билан таъминлаш;

ишлаб чиқариш ходимларининг иш жойига бориб қайтишида кўчиб ўтишлари бўйича харажатлар;

иш участкасига материаллар, анжомлар, ускуналарни етказиб бернш, уларни участкалар бўйича тарқатиш, анжомлар ва ускуналарни партия, экспедиция базасига қайтариб келтириш;

ишларни жойда ташкил қилиш, шу жумладан вақтинчалик дала базаларини, алоқа воситаларини таъминлаш;

геодезик пунктларни ўрнатиш жойларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан келишиш;

тугатиш тадбирларини ўтказиш, шу жумладан бажарилган ишлар бўйича материалларни топшириш.

Давр харажатлари (шу жумладан молиявий фаолият бўйича харажатлар ва бошқа муолажавий харажатлар) хар бир корхона учун дифференциацияланган ҳолда, асосий харажатларда маълум нисбатда (фоизларда) белгиланади, улар корхонанинг ўтган ҳисобот давридаги иши иқтисодий кўрсаткичларининг маълумотлари бўйича аниқланади ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Иш (хизмат) бирлиги нархларини ҳисоблаш учун нархларни қўллаш бўйича кўрсатмалар тузилади, уларда муайян объектда ишларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган, лекин нархлар тузилмасига кирмаган: амалдаги район устамалари; тоғлик

ва баланд тоғлик жойда, чўл ва сувсиз районларда ишлаш учун устамалар; йилнинг ноқулай даврида ишлаш; махсус режим шароитида ишлаш; чекланган фойдаланувдаги материаллар билан ишлаш ва бошқалар каби турли омилларни ҳисобга олувчи коэффицентлар жадвал шаклида жойлаштирилади.

Иш бирлиги нархларини ҳисоблаш асосида лойиҳаланадиган ишлар ҳажми қийматининг сметавий ҳисоб-китоби белгиланган шакл бўйича амалга оширилади.

Ишларнинг шартномавий жорий нархлардаги, ишларни бажариш даври учун ресурслар нархлари ўсишининг прогнозланадиган индекси ҳисобга олинган қиймати қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K = K_{cm} \times K_m \quad (4)$$

бунда:

$K$  - ишларнинг шартномавий жорий нархлардаги қиймати;

$K_{cm}$  - ишларнинг смета ҳисоб-китоблари ёрдамида аниқланган қиймати;

$K_m$  - таваккалчилик коэффиценти, у кейинги давр учун ресурслар нархлари ўсишининг прогнозланадиган индексдан келиб чиққан ҳолда аниқланади, бу индекс эса қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_m = \frac{(I_i \times K_i)}{I_i} \quad (5)$$

бунда:

$I_i$  - харажатларнинг ишлар (хизматлар) таннархидаги салмоғи;

$K_i$  - айрим харажат статьялари бўйича қийматнинг ўзгариш коэффиценти.

Ишларнинг жорий нархлардаги қийматини нарх шакллантирувчи омилларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда қайта ҳисоблаш коэффицентлари “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Ҳозирги кунда геодезик, топографик ва картографик ишларга сметалар НТ-2009й. (Геодезик, топографик ва картографик ишларнинг нархлар тўплами-Тошкент.) асосида тузилмоқда. “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси раисининг №2а сонли буйруғи билан 04.01.2009 й. дан амалга киритилган. Яна, НТ-2012й. (Янги технологиялар асосида стереофотограмметрик ва рақамли карталарни барпо қилиш бўйича бажариладиган ишлар учун нархлар тўплами-Тошкент) “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси раисининг №60 сонли буйруғи билан 21.05.2012 й. дан амалга киритилган. Ушбу нархлар тўплamlари “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси корхоналари ва бошқа корхоналар томонидан бажариладиган геодезик, топографик ва картографик ишларни смета нархлари, иш ҳаққи нормативлари ва меҳнат сарфини жорий нархларда аниқлашда қўлланилмоқда.

Нархлар “Геодезия ва топография ишлари учун ягона ишлаб чиқариш (вақт) нормалари. I-қисм. Дала ишлари. II-қисм. Камерал ишлари”(Т.Ўзгеодезкадастр,2004 й.) асосида ишлаб чиқилган.

Тўпламда геодезик, топографик ва картографик ишлар нархлари сўмда, ҳар бир иш жараёнининг ўлчов бирлигида (пункт, км, кв.км., наменкулатура варағи, план ва хокозоларда берилган.). Нархлар 10% фойда режалаштирилган ҳолда ҳисобланган.

Ҳар бир иш жараёнлари бўйича мутахассис ва ишчиларнинг иш ҳаққи нормативлари, меҳнат сарфлари берилган. “Иш ҳаққи” нормативи мутахассис ва ишчиларнинг асосий ва қўшимча маошларини ўз ичига олган.

Нархлар, иш ҳақи нормативлари ва меҳнат сарфи ўз ичига геодезик, топографик ва картографик ишларга кетган тўғри харажатларни олган, уларга ташкилий-тугатиш тадбирлари харажатлари ва давр харажатлари кирмайди.

Ташкилий-тугатиш тадбирлари “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан дала ишлари асосий харажатлардан 5% миқдорда ҳисобланиши белгиланган.

Давр харажатлари ташкилий-тугатиш тадбирлари ва асосий харажатлар йиғиндисидан фоиз сифатида ҳисобланади ва у “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади. Ҳозирги кунда 33% гача рухсат этилган.

Асосий харажатларга ташкилий-тугатиш тадбирлари харажатлари ва давр харажатлари киритилгач, маҳсулотнинг якуний баҳоси ҳосил бўлади.

2017 йилдан “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси “Давергеодезкадастр” қўмитаси деб номланди.

## Ўзбекистон Республикасида асосий фондлар бўйича амортизация меъёрлари

т/р	Асосий воситаларнинг турлари	Амортизация меъёри, %
1	Енгил автомобиллар, такси, йулда иштатиш учун автотрактор техникаси, махсус инструментлар инвентарлар. Компьютер, периферия қурилмалари ва маълумотларини ишловчи бўйича жиҳозлар.	20
2	Юк ташиш автомобиллари, пвтобуслар, махсус автомобил ва прицеплар. Саноатнинг барча тармоқлари учун машина ва жиҳозлар. Қурилиш жиҳозлари, қишлоқ хўжалиги техника ва жиҳозлари. Офис учун мебель.	15
3	Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари. Иссиқлик техникаси жиҳозлари, труба жиҳозлар, электродвигателлар ва дизель-генераторлар. Электр қуввати ва алоқа қурилмалари. Трубопроводлар.	
4	Бинолар, иншоотлар ва қурилмалар.	5
5	Юқоридаги гуруҳларга кирмайдиган амортизацияланадиган активлар.	10

### Мол-мулк солиғидан озод қилинган корхона ва ташкилотлар

т/р	Корхоналарнинг турлари
1	Нотижорат ташкилотлар (тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулк бундан мустасно)
2	Халқ таълими ва маданият муассасалари
3	Уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги
4	Қишлоқ хўжалиги ва чорачилик маҳсулотлари етиштирувчи, уларнинг селекцияси ва сақлаши, балиқ етиштирувчи, овлаш ва уни қайта ишлаш корхоналари
5	Устав капиталига чет эл сармойсининг улуши камида 500 минг АҚШ доллари ташкил этадиган юридик шахслар.
6	Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туризм фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ташкил этилган санадан бошлаб дастлабки фойда олгунга қадар, лекинда рўйхатдан ўтган санадан бошлаб 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга (имтиёзли даврдан кенг 1 йил ўткунча қадар бу корхона ёпила, у ҳолда улар солиқ суммасини бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда тўлайдилар)
7	“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Қизил ярим ой жамияти “Нуроний” жамғармаси тасарруфидаги корхоналар (агар солиқ суммаси ушбу фондларнинг устав) мақсад ва вазифаларини бажаришга йўналтирилган бўлса
8	Янги ташкил этилган юридик шахслар рўйхатдан ўткан санадан сўнг 2 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаладиган транспорт воситалари

**Солиқ Кодексининг 92-моддасига мувофиқ қўйидаги асосий воситалар солиқ солиш базасидан чегириб ташланади**

т/р	Асосий воситаларнинг турлари
1	Солиқ тўловчининг балансида турган уй-жой –коммунал ва ижтимоий соҳа объектлари.
2	Табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектлар
3	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ етиштириш, ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган объектлар
4	Маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари) алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек улардан фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотлар
5	Алоқа йўлдошлари
6	Вазирлар Маҳкамаси Қарорига асосан консервация қилинган асоси воситалар
